



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 27 декабрь, № 277 (8620)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДХНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.



Тадбирда Россия Президенти Владимир Путин, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинян қатнашди.

аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди. Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳамдўстликда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон 20 дан ортиқ тармоқ бўйича ҳамкорлик органларига ҳамда устувор соҳа ва тармоқлар бўйича 24 та муҳим битимга қўшилди. МДХ мамлакатлари компаниялари билан саноат кооперацияси бўйича лойиҳалар портфели 30 миллиард доллардан ошди ва деярли барча тармоқларни қамраб олган.

низмлари самарадорлигини ошириш зарурлигини алоҳида қайд этди. Шу куни Санкт-Петербург шаҳридаги МДХ норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди. Жорий йилнинг 5 — 7 октябрь кунлари Россияга амалга оширилган олий даражали ташриф якунида эришилган келишувларни рўйбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

лики, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари даражасида тазминлаш муҳимлиги қайд этилди. Минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. МДХ норасмий саммитининг маданий тадбирлар дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрининг сарой-боғ мажмуалари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон етакчилари билан бирликтида "Павловск", "Царское село" ва "Петергоф" музей-қўриқоналарига ташриф буюрди. XVIII-XIX асрларда барпо этилган ушбу тари-

хий обидалар ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган, меъморчилик ва боғчилик санъати дурдоналари сифатида тан олинган. Танишув чоғида давлат раҳбарларига саройлар тарихи, уларнинг ички безаги ва бадий тўпламлари тўғрисида батафсил сўзлаб берилди. Олий мартабали меҳмонлар эътиборига мусиқа ва халқ озаки ижоди жамоаларининг чиқишлари ҳавола этилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташрифи якунланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Эътироф

Ўзбекистон ташаббуси асосида қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси

халқаро ҳамжамият кўмағида Марказий Осиё давлатларининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича мажбуриятларини мустаҳкамлайди

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан бир овоздан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш" резолюцияси экспертлар ҳамжамияти ва мазкур тузилманинг ихтисослаштирилган ташкилотлари вакиллари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Резолюция қабул қилингандан сўнг БМТ Ахборот хизматининг ушбу глобал ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган таҳлилий мақоласи чоп этилди. Бундан ташқари, БМТнинг юқори мартабали вакиллари ушбу муҳим ҳужжат Бош Ассамблея томонидан муваффақиятли қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Президенти ва халқига ўзларининг самимий табрикларини йўллашди.



Габриэла РАМОС:

ЮНЕСКО Ўзбекистон билан ўз ваколатлари доирасида ўрнатилган ҳамкорликдан фахрланади

Ўзбекистон Президенти раислигида 22 декабрь куни бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида давлатимиз раҳбари хорижда республиканинг маданий дипломатиясини ривожлантиришда ЮНЕСКО билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратди.



Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг 2023 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда эришилган бир қатор муҳим ютуқлар, жумладан, ушбу ташкилот Бош конференциясининг 43-сессиясини 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги қарорга тўхталиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда

ЮНЕСКО доирасида эришилган муваффақиятлар Ўзбекистон етакчисининг БМТ институтлари билан ўзaro ҳамкорлигини кенгайтиришга қаратаётган юқори эътиборнинг амалий ифодаси бўлиб, бунинг самараси ўлароқ мамлакатимизнинг ЮНЕСКО билан алоқалари барча соҳада юқори даражага кўтарилди.



МИЛЛИЙ КОМИССИЯ НИМА УЧУН ҚАЙТА ТУЗИЛДИ?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли "Янги Ўзбекистон — халқчил инсонпарвар давлат" гоёси асосида давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, бу жараёнларда инсон ҳуқуқлари тизимини янада кучайтиришга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди.

Фармон ва ижро

Ана шу ислохотларнинг муҳимларидан бири сифатида одам савдоси ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича қўрилган амалий чораларни келтириб ўтиш мумкин. Бу борада 2019 йилда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия ташкил этилди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ТУБ ИСЛОХОТЛАР ПАЛЛАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАР КАФОЛАТИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат ўтган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги нутқида сўнгги йилларда мамлакатимиз маънавий ҳаётида, ижод соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлиги ҳамда бу борадаги устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинганига алоҳида тўхталиб ўтилди. Маънавий ҳаётимизда янги ислохотлар даври бошлангани ва бунда парламент, кўмиталар, фракциялар олдида турган долзарб вазифалар, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлашда депутатлар корпуси ҳам муносиб ҳисса қўшиши кераклигига урғу берилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари ҳам муфассал кўриб чиқилди.



ЯНГИ УЙҒОНИШ ДАВРИ

ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

Президентимиз раислигида шу йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши маънавий-маърифий ҳаётимиздаги тарихий тадбирлардан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Унда давлатимиз раҳбари маънавият, маърифат, маданият, санъат ва ижод соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигини муҳокама қилиб, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб берди.

Президентимиз янги Ўзбекистонни бунёд этиш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги кенг қўламли ишларда айнан маънавий-маърифий ислохотларни янада кенгайтиришга урғу қаратаётгани бежиз эмас. Бинобарин, маънавий асосларсиз, азалий қадриятларсиз, маънавий-миллий руҳсиз ҳеч бир давлат ўзининг юксак мақсадларига эриша олмайди.

Нигоҳ

Маънавий-маърифий ислохотларда муҳим босқич

Шонли тарихимизда буюк аж-додаларимиз ижоди ва илмий салоҳияти туфайли икки марта кузати-тилган Ренессанс ҳодисасининг

негизига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар сафар иқтисодий та-раққиёт ва маънавий-руҳий ривож-ланиш уйғун кенганини кўрамыз. Дарҳақиқат, ҳар бир халқ, аввал-ло, маънавий савияси, интеллек-туал салоҳияти, ҳамжихатлиги бил-лан қудрат касб этади ва бугунги мураккаб шароитда дунё сахнидан ўзига муносиб жой эгаллай олади. Нега бу масалаларга Янги йил арафасида урғу берилиб, улarga

жамоатчилик эътибори тортилди? Давлатимиз раҳбарининг йиғилиш-да билдирган фикр-мулоҳазалари, илгари сурган ҳаётбахш ташаббус-лари, мутасаддиларга белгилаб бер-ган вазифаларидан келиб чиқиб ай-тиш мумкинки, халқимиз янги орзу-умидлар, янги режалар билан қадам қўяётган келгуси йилда асосий мақсад-муддаоларимиздан бири — халқимизнинг маънавий юксалиши, маданий ва маърифий

салоҳиятининг янада кучайиши, бир-дамлиги, жипслиги, руҳияти, ирода-сининг товланиши янги босқичга кўтарилди. Афсуски, бугун биз билимсизлик, лоқайдлик, масъулиятни ҳис этмас-лик ҳолатларига иқтисодиёт соҳа-сида ҳам, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият тизимида ҳам, қўйиники, ҳаётимизнинг барча жаб-ҳасида дуч келямиз ва бу иллат бамисоли қўл-оёғимизга кишан бўлиб турибди. Бу кишандан халос бўлмасдан туриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган натижага эришиш мушкул.

Маълумки, бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқ-да. Глобаллашув жараёнлари ин-соният учун беқиёс янги имкони-ятлар билан бирга, қутилмаган му-аммоларни ҳам келтириб чиқар-моқда. Миллий ўзлик, маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва ха-тарлар тобора ортмоқда. Фақат ўзини ўйлаш, худбинлик, меҳнат-га, оилага энгил қараш, истеъмол-чилик кайфияти турли йўللار бил-лан одамлар, айниқса, ёшлар он-гига устомонлик билан сингди-риляпти. Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда. Баъзи ҳудудларда атайин беқарор-лик юзага келтирилиб, норозилик кайфияти авж олдирилмоқда.

Бундай таҳликали вазиятда хушёр ва огоҳ бўлиб, халқимизнинг тинчлиги, мамлакатимиз манфаат-лари учун курашиш янада керак. Бунинг учун эса юртимиз илм-фан, таълим-тарбия, маънавиятда ҳар доимгидан-да кучли бўлиши шарт. Давлатимиз раҳбари бунинг учун, аввало, мустақам иқтисодий асос-лар кераклигини таъкидлаб, шу бо-рада амалга оширилаётган ишларни келтириб ўтди. Ушбу иқтисодий асос натижасида бу йил ижтимоий соҳага энг кўп — 134 триллион сўм маблағ ажратилди. Бу — 2016 йилдагига со-лиштирилганда 5,6 баробар зийд, демаскир.



ЯНГИ УЙФОНИШ ДАВРИ

ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШДА МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ



Жадидлар меросига янгича ёндашув

Хеч бир қарор бежиз қабул қилинмайди. Зеро, бугун жaxon миқёсида тараққиёт суръатлари шиддатли тус олган, шу билан бирга, инсонлар онгу қалбига қаралган ахборот хуружлари, баъзи давлатлар ўртасидаги зиддиятли жараёнларнинг кучайган таъсири мамлакатимизда ҳам сезилаётган.

Президентимиз таъкидлаганидек, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиётда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намоянадалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққани тарихдан маълум. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқинига қараётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар рўида тарбия топган етук кадрлар сув билан хаводек зарур.

Илгирликда маърифатпарвар боболар ғояларини ўрганиш ва ривожлантириш бўйича Президент қарори қабул қилиниши белгиланди. Шунингдек, Бухородаги тарихий масканда Жадидлар мероси давлат музейи очилди, “Жадид” номли янги газета ташкил этилди. Бу бежиз эмас. Бугун ёшларимизга ибрат бўладиган ота-боболаримизнинг жасоратли йўлини очиб берувчи кўланмалар жуда керак.

Жадид боболаримиз юртимизни озод этишга, қолоқликдан олиб чиқиш, ҳамма соҳани ривожлантиришга бор вужудини бағишлаган. Ва бунинг бадалини ўз жонлари билан тўлаган. Биз бугунги мустақиллик, тинчлик, эркинлик шароитида уларни эслашимиз, эъозлашимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Қувонарлиси, бугун юртимизда жадидлар музейлари ташкил этиляпти, уларнинг китоблари нашр қилинмоқда, ноҳақ айланган аждодларимизнинг кўнчилиги судлар томонидан оқланяпти. Лекин шу билангина асосий мақсадларга етиб бўлмайди. Маърифатпарвар боболаримиз ғояларини онгу қалбга янада чуқур сингдириш, бу инсонларга нисбатан бугунги авлодларда ҳурмат-эҳтиромни янада кучайтириш зарур. Президентимиз бунинг учун қатагон қурбонлари тўғрилиб ўстан ёки бугун авлодлари яшаётган уйга, маҳаллага, ўша ердаги мактабга уларнинг номларини ёзиб қўйиш тақлифини кўтарди. Фикримизча, бу ҳам савобли, ҳам ибратли иш бўлади. Улар ҳар бирининг хаёти — қарамоғи. Биз буни ўрганиб, тарғиб қилиб, ёшларимизга етказишимиз лозимлигини хаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Илгирликда мутасаддиларга жадид боболаримиз тарихини ўрганаётган тадқиқотчилар учун мақсадли грантлар ажратилиши, улар ҳақида ҳужжатли ва бадиий фильмлар олиш, матбуот ва интернет нашрларида материаллар чоп этиш бўйича қўрсатмалар берилди. Нега? Чунки халқимиз у даврни яхши билиши, аждодларимиз жасоратидан фахрланиши керак. Ёшлар “Бизнинг боболаримиз истисқол орасида курашган, ўзини аямаган, биз мустақиллик учун нима қилганимиз?” деб ўзига савол бериши зарур. Мустақилликнинг мустаҳкам замини нима ўзи? Аввало — ватанпарварлик, билим, маънавият. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз жаҳониятимизда ана шундай ватанпарварлик, шукроналик руҳини кунайтиришга даъват этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жадидлар фаолиятини ўрганиш, уларнинг эзгу ғояларини замонамизга мос ҳолда давом этиши борасидаги фикрлари айна масаллада барчамизга дастуриламал бўлиб келаётган. Жумладан, 2020 йил бошида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев шундай деганда: “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинами қанча кўп ўргансақ, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фалат тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин хаётнинг қадрини англаётган”.

XX аср бошларида Марказий Осиё ва Кавказнинг марказий шахарлари ҳамда Қозонда юзлаб зиёлилар ҳуруфот ва чор Россиянинг истибдолидан қолоқ ахволга тушиб қолган ўз халқларининг ижтимоий-маданӣ турмушини, онг-савиясини кўтарши, тараққий эттириш мақсадида ниҳоятда катта маърифатчилик ишларини олиб борди. Улар Европача усулдаги театр тўғрисида таълим олиш, журналлар чоп этиш, театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитишнинг “усули жадид”, яъни янгича, илгор усулдаги мактаблар очди ва бу мактабларда маҳаллий халқ болалари-

ни ўқитди. Жадидлар ўз миллатдошларидан етук олимлар, сановат ва қилоқ ҳўжалари соҳаларининг замонавий, билимдон мутахассислари, маданият арбоблари этиш-фавон этишларини оруз қилди ва шу йўлда фидойилик кўрсатди. Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик учун, халқимизнинг эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Охириги йилларда бугун жамоатчиликнинг ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейлари янги экспонатлар билан тўлдириб, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилиняпти. Буларнинг ҳаммаси одамларга тарихий адолатни, ҳақиқатни етказиш, қолаверса, халқимиз у кўнларини билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кўнларнинг қадрига етиши учун зарур.

Туркистон маърифатчилиги илк даврдан фарқи ўлароқ фақат феодал тузум асосларини илм-фан, маърифат орқали ўзгартириш, айрим янгиликларни жорий этиш ва шу йўл билан ривожланиши мақсад қилибгина қолмади, балки бу ишларни жадал амалий изга солиб, чиркин урф-одатлар, бидъатларга қарши очик кураш олиб борди.

Ҳақон “маърифатчилик даврлари” таърибасидан маълумки, маърифатчиликнинг энг бирламчи асоси феодал қолоқлик ва диний мутаассибликнинг инкор этилиши, жаҳиатда эркин, адолатли, маданӣ муносабатларнинг шаклланишидир. Бу йўлда энг асосий вазиофа жаҳиат аъзоларининг онгини қайта қуриш, тушунча ва тасаввурларини ўзгартиришдир. Буни амалга оширишнинг асосий шарти — илм-фан, турли дунёвий билимлар тарғибати. Жадид маърифатчилари худди шу йўлдан борди.

Афсуски, бугунги кўнмизда ҳам диний эътикод никоби остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳалатга ундәётган кишилар пайдо бўлмоқда. Илгирликда баъзи гуруҳлар орасида дин қарашларини Конституция ва қонунаришимизга қарши қўйиш, дунёвий қадриятларни ҳаром деб билиш ҳолатлари учраётган қандайдир. Президент бу ўринда Ибрат долманин “Уламо райрат эткандан миллат, албатта, ислоҳ тоғур”, деган хикмати сўзларини ёдга олди. Зиёлилар, нуқронийлар, ҳақ ва умрга бориб келган юрдошларимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши кераклиги айтилди.

Ҳақиқатан ҳам, жадид боболаримизнинг эрқарварлиги, ватанпарварлиги, юрт эътиди учун қўйиб-ёниши, янгликча интильшадан ҳулосалар чиқаришимиз, маънавиятин улардан ўрганишимиз лозим. Маънавиятсиз янги Ўзбекистонни ҳам, учинчи Ренессансчи ҳам барпо этиш мушқул эканини англаш даври келди.

Фикрсиэлик — маънавий қарамлик

Маънавият кишиларни фикрий ва маънавий мулкдорликдан қутқаради, бунч инкор қилолмайми. Айрим одамларда жаҳиатда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил эта олиш кўникмаси мавжуд эмаслигини, бу эса уларда юз бераётган ислохотлар мазмун-моҳиятини тегаран англашга ҳалақит қилаётганини сезиш мумкин. Назаримизда, бу нарса ўша одамларда фикрсиэлик тўғрилиб содир бўляпти.

Фикршаз — инсонга ҳос хусусият. Ҳар бир шахс фикрлайди, ёни-беридаги воқеа-ҳодисаларга баҳо беради, ўз фаолиятини белгилайди, ҳулоса чиқаради. Қисқача айтганда, инсон фикрлай олиши билан бошқа жонотлардан фарқланади. Фикрсиэ инсонни, одатда, ҳиссиёт бошқаради. Бу эса бошқаларнинг ўша инсонни ортидан эргаштиришига, бошқаришига шартин яратяпти.

Фикрсиэлик ва маънавий қарамлик — кишилар тафаккури устидан муайян ғояларнинг ҳукмон мавқега эгаллигини, инсоннинг содир бўлаётган воқеалар, ижтимоий-сиёсий жараёнларни мустақил баҳолаш имкониятини маҳрум бўлганини ифодалайдиган тушунча ҳўсубланади. Фикрсиэлик инсонни тафаккур қуллигига олиб боряди. Маънавият ўша фикрсиэлик ҳолатини бартафаз этядаган қувчири.

Бугунги кўнда айрим кишиларда “оммавий маданият”ни кўр-қўрона қабул қилиши, оломонлик кайфияти, жоҳиллик кўзга ташланаётгани ҳам фикрсиэлик натижасидир. Бу ҳолатни маънавий ўлим, дейиш мумкин. Маънавият кишида ўзини ўзи бошқариш кўникмасини шакллантиради, танқидий таҳлил қилиш учун кенг имконият яратяпти. Давлатимиз раҳбари бугун жаҳиатни, халқни, ёшларни уйғотиш орқали Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрнини мустаҳкамлашни, тенглар ичра тенг бўлишимизни, мамлакатни фаровон, қудратли қўча айлантиришни кўзляпти.

Шу маънода, биз бугун учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга киришар эканмиз, унинг икки муҳим жиҳати — ёшларда мантиқий фикрлаш ва юксак ахлоқий сифатларни шакллантиришга эътибор беришимиз жуда муҳим. Қотиб қолган эски фикрлар, бир қилиб қарашлар, кинингидир нуқтаи назари асосида қабул қилинган ҳулосалар аслида маънавий мудрокликдан бошқа нарса эмас.

Бугун юртимизда мазкур муаммоларни бартафаз этиш учун барча шарт-шароит мавжуд. Жумладан, бу борадаги ишларга моддий таъин яратиш мақсадида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадида маълумки, маърифатчиликнинг энг бирламчи асоси феодал қолоқлик ва диний мутаассибликнинг инкор этилиши, жаҳиатда эркин, адолатли, маданӣ муносабатларнинг шаклланишидир. Бу йўлда энг асосий вазиофа жаҳиат аъзоларининг онгини қайта қуриш, тушунча ва тасаввурларини ўзгартиришдир. Буни амалга оширишнинг асосий шарти — илм-фан, турли дунёвий билимлар тарғибати. Жадид маърифатчилари худди шу йўлдан борди.

Ҳақон “маърифатчилик даврлари” таърибасидан маълумки, маърифатчиликнинг энг бирламчи асоси феодал қолоқлик ва диний мутаассибликнинг инкор этилиши, жаҳиатда эркин, адолатли, маданӣ муносабатларнинг шаклланишидир. Бу йўлда энг асосий вазиофа жаҳиат аъзоларининг онгини қайта қуриш, тушунча ва тасаввурларини ўзгартиришдир. Буни амалга оширишнинг асосий шарти — илм-фан, турли дунёвий билимлар тарғибати. Жадид маърифатчилари худди шу йўлдан борди.

Афсуски, бугунги кўнмизда ҳам диний эътикод никоби остида ёшларни маърифатга эмас, жаҳалатга ундәётган кишилар пайдо бўлмоқда. Илгирликда баъзи гуруҳлар орасида дин қарашларини Конституция ва қонунаришимизга қарши қўйиш, дунёвий қадриятларни ҳаром деб билиш ҳолатлари учраётган қандайдир. Президент бу ўринда Ибрат долманин “Уламо райрат эткандан миллат, албатта, ислоҳ тоғур”, деган хикмати сўзларини ёдга олди. Зиёлилар, нуқронийлар, ҳақ ва умрга бориб келган юрдошларимиз маънавият тарғиботчиси бўлиши, одамларни яхшиликка бошлаши кераклиги айтилди.

Ҳақиқатан ҳам, жадид боболаримизнинг эрқарварлиги, ватанпарварлиги, юрт эътиди учун қўйиб-ёниши, янгликча интильшадан ҳулосалар чиқаришимиз, маънавиятин улардан ўрганишимиз лозим. Маънавиятсиз янги Ўзбекистонни ҳам, учинчи Ренессансчи ҳам барпо этиш мушқул эканини англаш даври келди.

Бедор қалб эгалари

Иҳодкорлар умрбўқий асарлар яратибгина қолмай, барча макон ва замонда эл-юрт тақдирин учун доим қўвиқиб, ёниб яшган, ўзгалар таъдирин ўзиники деб билган. Уларни бежиз “Бедор қалб эгалари” дейишмайди. Мамлакатимизда ана шундай иқтидор соҳиблари ҳақида эътибор ва эъзоз оғушди. Чунки, кейинги йилларда пойтахтимизда Адилбег хиебони, Ёзувчилар уюшмасининг мухташам биноси, худудларда янги ижод уйлари қурилади. Самарали ижод қилаётган адиблар имтиёзли асосда уй-жоилар билан таъминланмоқда. Атоқли иҳодкорларимизнинг таваллуд саналари нишонланяпти. Ёш истеъодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Зомин семинари қайта тикланди.

Давлат раҳбаридидаги шижоат, матонат ва ташаббускорлик маънавият масалаларига бағишланган йилгиликда ҳам яна бир қарра намўён бўлди. Аввало, маънавият ва маданият соҳаси учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғомазини ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Чунки миллий ғоя ва маънавият бизга инсонни ахлоқий тубанликдан қутқариш учун зарур.

Дарвоқе, иқтисодий, харбий, ижтимоий-сиёсий, илмий ва технолоқик тараққиётнинг юксак чўққисига қўрилган Ғарб тамаддуни янги минг йўлликнинг бошига келиб, тарихий ривожланишнинг бош таъини ва мураккаб босқинини гоийдан кечираётгани, бунда азаллий қадриятлар ўрнини фақат шахсий манфаат, айш-ишрат, ҳузур-ҳаловат майларига йўғрилган янги ахлоқ ва эътикод эғаллаётгани, жаҳиатнинг маънавий асосларни емириляётгани кўзга яққол ташланмоқда. Бугун ўз ахлоқий қадриятларига, миллий аъналарига бағбарқлик билан қараётган ҳар қандай давлат ёки миллат — хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик — худди чирмовукдек ўраб келаёт-

ган мафқуравий таҳдидлар, гоёсизликлар олдида ожиз бўлиб қолоқмоқда.

Шу боис бугун мамлакатимизда миллийлигимизга муллоқа бегона бўлган зарарли ғоялар, тушунча ва қарашлардан — чегарани бумзасдан, билдирмасдан, ҳонадонимизга, жаҳиатимизга, энг ёмон, муракб болаларимизнинг покиза қалби ва юрагига кириб келаётган таҳдидлардан ҳимояланиш жаҳиатнинг асосий вазиофасига айланishi кераклиги таъкидланмоқда.

Таоссуфки, ўзини зиёли деб билувчи айрим кимсалар бугун одамларни яхшиликка бошлаш, оилаларимиз, маҳаллаларимизда, бугун жаҳиатимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси билан шуғулланиш, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш ўрнига баъзи ҳолларда ўзларни нафсини жаўлмай олмасдан, кераксиз сарф-харажатларга, ортиқча дабдабозликка ружу қуяётгани сир эмас. Ваҳолакчи, жаҳалатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларга муқаддас динимиз фақат нури ҳаётга, илм-маърифатга, яхшиликка ундашшини, ҳеч қачон ҳунрезлик, қотиллик, зўравонликка қадирмаслигини тушунтириш ана шундай инсонларнинг вазиофасидир.

Таълим-тарбиядаги оқшам, ўноқлик оқибати

Биз дунёвий давлат қураётган бўлсакда, баъзан ҳаётда Фуқаролик ҳолати даълатномаларини ёзиш органида рўйхатдан ўтмасдан, яширинча шаръий никоҳ ўқитиш, хотин устига хотин олиб ҳолатлари ҳам, минг афсуски, учраб турибди. Бугун ижтимоий муносабатлар нуқтаи назаридан қундошлиқ, қўшотинчиқ балоси қандай ҳунуқ оқибатларга олиб келиши барчамизни ташвишга солиши керак. Ахир тегишли давлат идорасида қонуний қайд этилмаган “никоҳ”дан тўғилган фарзандларнинг тақдир, келажаги эртага нима бўлады? Бундай болалар руҳан мажруҳ бўлиб, турли маънавий нуқсонлар билан вояга етади. Улар ўзини жаҳиатнинг тўлақонли азёси деб ҳис қилолмайди.

Тўй-маъракаларимизни тартибга солиш ҳақида ҳам кўп гапирармиз. Бу масала неча йиллар, хатто асардан бери кун тартибидан тушмасдан келади. Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракалардаги исроғфарчилик, дабдабозлик, мактанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай қунобни ўтганларини яхши биламиз. Очинини айтганда бўлсак, тўй-хашамлар билан болглиқ ортиқча харажатлар минг-минглаб оилаларнинг нафакат иқтисодий ахволига, балки ҳаётига, соғлимизга жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Бугун ҳаётимизда кўпайиб бо-



раётган оилавий можаролар, уруш-жанжал ва ақршилишлар, қудалар ўртасидаги соувқилик сабаблари ҳам асарият ҳолларда худди шу нарсаларга бориб тақалади. Энг ёмони, пул топиб ақил толмаган, маънавий савияси паст айрим кимсалар тўй-хашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топяпти. Буларни эшитиб, баъзан одам ҳайратдан ёқа ушлайди.

Қиз болаларнинг ўқиши ва касб-ҳунар эғаллаши жаҳиат ривожига муҳим экани аён. Бироқ баъзи оилаларда ҳали ҳам қиз фарзандини олий таълим олишига панжа орасидан қараш устувар. Ахир эртага улар ана бўлади, келгуси авлодларимизни тарбияляпти. Юртимизда хотин-қизларнинг олийгоҳларда ўқиши учун кенг қулайликлар яратилаётгани ҳам шундан. Ва бу ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Ҳўқиммиш-ти, зиёли оналарнинг фарзандлари ҳам билмидон, оқ қорани танийдиган, маънавиятли инсонлар бўлиб етишади, миллатимиз чироғи бўлады.

Навқирон авлодга кўрсатилётган гамаҳқирлик боис бугун буюқ аждодларимизнинг муносиб меросҳўрлари, издошлари етишиб келаётган. Улар жаҳоннинг илм-фан, маданият ва спорт майдонларида Ватанини муфузунни оширишдек шарофли вазиофани адо этмоқлари лозим. Ана шу юксак эҳтиромга сазовор ишларни фақат ва фақат метин иродали, шижоатли ва албатта, маънавияти бой ёшларгина бажара олади. Жаҳон илм-фан, маданият, спорт мусобақаларига чиққан ҳар бир йигит-қиз қўзи олдида, аввало, ўз она Ватани, унинг муқаддас туғроғи, жондан азиз қишлоғи, маҳалласи турса, улар ота-онаси, устозлари ишончини оқлаш масъулиятини ҳис этса, шубҳа йўқки, юксак натижаларга эриша олади. Зеро, бу маънавият қучи, қудратидир.

Бироқ, тан олишимиз керак, ёшларимизнинг барчасини ҳам ана шундай солиҳиятга, саодатга мушарраф деб бўлмайди. Бу таълим-тарбиядаги оқшам, ўноқлик оқибатидир. Айрим йигит-қизлардаги бағбарқлик, данғасалик, ишкёмаслик, ҳузур-ҳаловатни ақдолоб билиш, кибр, қонунарча, қоида-меъёрларга амал қилмаслик каби ҳолатлар, афсуски, жаҳиатимизнинг янада тезроқ тараққий этишига ҳалақит берамоқда.

Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ

ёшлар ҳис этмоқда. Улар барча янгиликларни ўз ҳаётига татбиқ қилишга интильмоқда. Бироқ ҳар нарсалда бўлгани каби меъёрни, умуминсоний тамойилларни, халқимизнинг азаллий қадриятларини унутиш керак эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улғу зотларнинг авлодими, деган даъват уларнинг қалбига доимо ақс судо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин”. Бунга ниманинг ҳисобидан эришилади? Албатта, тарбия ҳисобидан. Аммо тарбия дегани фақат мактаб тарбиясидан иборат эмас. Тарбия биринчи галда оиладан ва маҳалладан бошланади.

Театр — ибратхона

Маънавиятни оширишда театрнинг ўрни беқиёс. Шу маънода, Президентимиз театр санъатини ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқилишини таъкидлади. Унда энг яхши пьесалар учун ижодий бюуртма бериш, ижодий ва ёрдамчи ходимларнинг чет эл театрларида маҳоратини ошириш, ёш режиссёрларни қўллаб-қувватлаш учун Маннон Уйғур номидаги мукофот таъсис этиш қабилар назарда тутилади. Қорхона ва муассасаларга ойнинг бир кўни “Театр кўни” деб белгиляниб, ходимларнинг театрларга бориши йўлга қўйилади.

Инсон ва жаҳиат ҳаётда, халқнинг маънавий дунёсини, онгу тафаккурини юксалтиришда театр санъатининг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигини яхши англаймиз. Буюқ маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий айтганидек, театр ҳақиқатан ҳам ибратхона, қулғу тарбия ва маърифат максадиридир. Жаҳондаги энг оммавий ва таъсирчан санъат турларидан бири бўлган театр асарлар давомида одамларни инсонийлик ва эғуллиққа қорлаб, қалбларда олийжаноб фазилатлар, гўзал ҳис-туйғуларни камол топтиришга, жаҳиат ҳаётда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, юксак ахлоқ ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келмоқда.

Бу эса, аксинча, театрларга бориши унутиб қўйдик. Ваҳолакчи, азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, барча худудимизда янги-янги илм-фан ва маданият максадалари, замонавий театр ва амфитеатрлар барпо этиляётганига гўвоҳимиз. Бу ҳақда гап кетганда, жумладан, Юнус Раҳабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, Марғилон шаҳар мусиқали мактам театри ташкил қилинганини таъкидлаш лозим. Хуллас, ҳозирги кунда шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи барчамизнинг олдимиизга ўта муҳим ва мураккаб вазиофаларни қўяётган, эл-юртимизни турли ҳавф-ҳатарлардан асраш, ўни-ўсиб келаётган ёш ав-



лодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умумбагарий қадриятларга эҳтиром рўида баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, жаҳалатга қарши маърифат билан кураш олиб бориш долзарб вазиофа айланган бери пайтда театр бу борадаги ишларда қўмақдос бўла олади.

Илгирликда кўпдан бери халқимизни ўйлантириб келаётган сериаллар ҳақида ҳам ақчик, аммо ўринли мулоҳазалар билдирилди. Ҳақиқатан ҳам, ақсарият сериаллар гоийаб-бадиий жиҳатдан ночор, улардан ўрин олган мавзуларда бугунги кун нафақаси, одамларни ўйлантираётган, ҳароҳа қолаётган жиддий ижтимоий муаммолар ўз аксини топмаптаи. Телеканаллар орқали намойиш этиляётган саёз, сийқа сериаллар кимлар учун, қайси аудитория учун мўлжалланган? Бу саволлар ҳамон очик қолоқмоқда.

Афсуски, бугун айрим сериаллар оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Улардаги машиий мавзулар, энгил-елги саҳналар кишининг гашига тегади. Ҳўқиммиш, энди вазиат ўзгаради. Миллий сериаллар ишлаб чиқариш бўйича мавжуд тизим тубдан ислоҳ этилади.

Давлатимиз раҳбари шу мақсадда Миллий сериаллар ишлаб чиқариш концепциясини яратиш зарурилигини, унда, аввало, маҳаллий иҳодкорларимизга, хусусан, ичрочи санъаткорлар, драматург ва режиссёрларимиз учун замонавий шартлоярлар яратилиши алоҳида эътибор қаратиш ўринли бўлишини таъкидлади. Бунинг учун IT-Парк каби эркин иқтисодий зона — “Сinema-park” ташкил қилиш лозимлигини қайд этди.

Кинч соҳасида ҳам ислохотлар янада кенгайтирилади. Жумладан, “Тирик тарих” сериясида Ватанимизнинг шонли ўтмишига бағишланган фильмлар яратиш дастури ишлаб чиқилиди. Бунга хоррийқ иҳодкорлар, кинокомпаниялар ҳамда инвесторлар ҳам жалб қилинади. Шунингдек, болалар учун буюқ аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида кўп қисмли анимациял фильмлар яратилади.

Бу ишлар халқимизнинг миллий гуручин юксалтириш, ёшларнинг Ватанимиз тарихига оид билимларини бойитиш, шунингдек, бугунги Ўзбекистонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, улардан зарур ҳулосалар чиқариш

кўникмасини юксалтириш учун ҳам жуда зарур. Тан олиш керак, кейинги йиллар мамлакатимиз тарихида сезиларли ижтимоий-сиёсий жараёнларга ғоят бую бўлди. Мамлакат ва жаҳиат ҳаётини ислоқ қилишда кўллаб концептуал-назарий ўзгаришлар юз берди. Барча соҳада, айниқса, жаҳиат сиёсий тизимидаги янгиликлар халқимиз ижтимоий ҳаётини ижобий тарафга ўзгартираётгани билан бирга, халқаро жаҳамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Ана шу масалаларни халқимизнинг кенг оммаси ижтимоий онгига етказиш, уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, шубҳасиз, маънавият, маърифат, тарғибот соҳаларининг энг муҳим вазиофалиридан бирига айланган. Афсуски, айрим кишилар ижтимоий тармоқлардаги кўнглоқлар саҳифаларга маҳлий бўлиб қолгани, бераволиги, билими пастлиги оқибатида юртимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, зарур ҳулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлмаяпти. Маънавият бизга дунёдаги қандайдир, ижтимоий жиҳатдан беғам айрим юрдошларимиз маънавий оламни шакллантириш ва уларни асосатда қилиш ҳавфидан қутқариш учун ҳам керак. Чунки Ватанимиз мустақиллиги, суверенитетининг сақлаб қилиниши, мамлакатининг тақдирини ҳар биримизнинг қўлимизда.

Ўзбекистон ташаббуси асосида қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси

халқаро ҳамжамият кўмагида Марказий Осиё давлатларининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича мажбуриятларини мустақамлайди

Ли ЦЗЮНЬХУА, БМТ Бош котибининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари:

— Ўзбекистон Президенти ва халқини БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустақамлаш" резолюцияси бир овоздан қабул қилингани билан самимий табриклайман. Ушбу муҳим резолюция экологик муаммоларга, жумладан, музликларни химоя этиш, ерларнинг деградатациясига қарши курашиш, сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва энергия самарадорлигини оширишга қаратилган асосий масалаларни илгари суради.



Резолюция барқарор ривожланишга комплекс ёндашувни рағбатлантиради ва минтақавий ҳамкорликни дунё олдига турган умумий муаммоларни ҳал этишда кучли восита сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг ушбу ташаббуси одамлар бирлаша, амалий ҳаракатларнинг улдасидан чиқиш, барқарор, адолатли ва хавфсиз дунёни барпо этишда нимага эришиш мумкинлигини муҳим намунасидир. Резолюция Марказий Осиё давлатларининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, шу жумладан, халқаро ҳамжамият кўмагида жамоавий мажбуриятларини кучайтиради.

Бугун биз Ўзбекистон Президенти ва халқ ташаббусини тантанали равишда нишонлар эканмиз, мамлакатингизнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги

қатъий интилишини самимий қутлаймиз. БМТ тизими Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда давом этади. Келинг, барқарор ва адолатли келажақ йўлида умумий саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, ҳамжихатликда ҳаракат қилайлик.

Вернер ОБЕРМАЕР, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Нью-Йоркдаги ваколатхонаси директори:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга халқаро ҳамжамият эътиборини яна бир бор Марказий Осиёдаги экологик муаммоларга қаратгани учун самимий миннатдорлик билдираман. Шунингдек, Ўзбекистон халқини ўтган ҳафтада БМТ Бош Ассамблеясининг кенг қамровли ва аниқ ҳаракатларга йўналтирилган резолюцияси муваффақиятли қабул қилингани билан чин юракдан табриклайман.



Дунё аҳолисининг деярли ярми иқлим ўзгаришининг салбий таъсирига ўта заиф бўлган ҳудудларда яшамоқда. Иқлим ўзгариши тўғрисида ҳар қандайдир кўтарилиши чўланиш ва қурғоқчилик даражасини ошироқда. Сўнгги йигирма йил ичида 65 ёшдан ошган одамлар орасида иссиқлик тўғрисидаги ўлим даражаси 70 фоизга ортди.

Сув танқислиги дунё аҳолисининг 40 фоизига таъсир қилмоқда. 2030 йилга бориб яна 230 миллиондан ортиқ кишилар ушбу таҳдид остида қолади ва улар бошқа ҳудудларга кўчиб кетишга мажбур. Иссиқлик, юқумли касалликлар тарқалиши, сув танқислигининг кучайиши ва озиқ-овқат хавфсизлигига путур етказётгани сабабли биз одамлар соғлигини сақлашни таъминлай ололмаймиз. Бу, айниқса, ҳарорат ўртача

кўрсаткичдан икки баравар кўтарилаётган Марказий Осиёда жуда долзарбдир.

Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган мазкур резолюцияда Марказий Осиё, жумладан, Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш ва иқлим ўзгаришига мослашиш чораларини қўриш бўйича минтақавий ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги алоҳида урғуланган.

Мен Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу муҳим ташаббусларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни тасдиқлайман.

Филипп МАРТИНЕТ, Франциянинг БМТдаги доимий ваколатхонасининг сиёсий масалалар бўйича катта маслаҳатчиси:



— Аввало, Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг янги резолюцияси қабул қилинганидан катта таассурот ва илоҳолганмни таъкидлаш жоиз. Марказий Осиё юзлашаётган ва дуч келадиган экологик муаммолар яқин минтақавий ҳамкорликни тақозо этмоқда. Биз бундай ҳамкорликни рағбатлантираемиз ва минтақадagi беш давлат ўзаро саъй-ҳаракатларда бирлашгани ҳамда бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш мақсадида турли тадбир ва форумлар ўтказиш ниятида эканидан гоят мамнунмиз. Резолюциядаги ўзаро бирдамлик ва муҳим ташаббуслар учун Ўзбекистонга яна бир бор самимий миннатдорлик билдираман. Биз дунё ахлини БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича навбатдаги конференцияларига ушбу йўналишдаги мажбуриятларни янада кучайтиришга чақирамиз.

«Дунё» АА. Нью-Йорк

Габриэла РАМОС:

ЮНЕСКО Ўзбекистон билан ўз ваколатлари доирасида ўрнатилган ҳамкорликдан фахрланади

ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларини алоҳида кадрлайди ва ўзаро муносабатларда эришилаётган ютуқлар мазкур тузилма раҳбарияти томонидан ҳам илқ қутиб олинмоқда. Жумладан, **ЮНЕСКО бош директорининг ижтимоий ва гуманитар фанлар бўйича ўринбосари Габриэла Рамос** «Дунё» АА учун берган интервьюсида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши аёнлиги, шунингдек, Ўзбекистон ва ушбу ташкилот ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ҳамда истиқболлари ҳақидаги фикрларини билдириди:

— Агар ўтган йил давомида эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирадиган бўлсак, 2023 йил ЮНЕСКО ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларини янада кенгайтириш нуктаи назаридан бой ва самарали бўлди.

Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг жуда

муҳим аъзоси, чунки сиз ва мен маданият, таълим ва илм-фан соҳаларида биргаликда тарғиб қиладиган бой кадрларга эгамиз.

Масалан, ЮНЕСКО қароргоҳида бу йил буюқ қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини тантанали равишда нишонладик. Сунъий интеллект соҳасида ахлоқни тарғиб қилиш орқали илмий мулоқотни рағбатлантириш мақсадида Абу Райҳон Беруний номидаги ЮНЕСКО — Ўзбекистон халқаро мукофотини таъсис этиш бўйича ишлар қизгин кетмоқда. Чунки бу Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

2021 йилда Ўзбекистон билан биргаликда ишга туширилган "Хива жараёни" платформаси доирасида биз Марказий Осиёда сунъий интеллект соҳасида ахлоқий тавсияларни илгари суриш бўйича фаол иш олиб бораёмиз.

Ўзбекистон эрта ёшдаги болаларга гамхўрлик ва таълим, шу-

нингдек, маданий соҳадаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшишда давом этмоқда.

Жорий йилда Ўзбекистондан бир қанча янги объектлар ва элементлар Умумжаҳон мероси ҳамда Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига, юртингиз тарихига оид бир қатор архив ва китоб фондлари эса "Жаҳон хотираси" халқаро реестрига киритилди.

Асосий ютуқ, албатта, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тарихий ташаббуси ЮНЕСКО томонидан маъқуллангани бўлди. Бунинг шарофати билан барчамиз 2025 йилда Самарқанда Бош конференциянинг 43-сессиясида иштирок этиш учун ташриф буюришга умид қиламиз. Биз буни интиқлик билан кутаямиз. Чунки ЮНЕСКОнинг узоқ вақтдан бери асосий тадбири биринчи марта қароргоҳидан ташқарида бўлиб ўтади. 2000 йилдан буён Умумжаҳон маданий ме-

роси объекти саналган Самарқанд гўзаллигидан баҳраманд бўлиш имконияти учун миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ЮНЕСКО учун нақадар муҳим эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Ажойиб мамлакатингиз доимо ўзаро ҳамжихатлик ва дўстлик чорраҳаси бўлиб хизмат қилиб келган, шунингдек, ташкилот мандатини илгари суришда бебаҳо ёрдам кўрсатмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини кириб келаётган Янги йил билан ЮНЕСКО номидан самимий табриклайман ва 2024 йилда барча эзгу ниятлари амалга ошишини тилайман.

ЮНЕСКО Ўзбекистон билан ўз ваколатлари доирасида ўрнатилган ҳамкорликдан фахрланади ва келгусида ҳам янги куч ҳамда ғайрат билан ютуқлар сари биргаликда одимлайди.

«Дунё» АА. Париж

Маънавият

ИБРОҲИМ ҒАҒУРОВ ДЕЙДИКИ...

Жуда кўхна бир китобни ўқиб ўтирар эдим.

Не-не фикр иморатлари ўтар эди кўз ўнгимдан.

Шу асно китоб варағи орасидан янги саҳифани очганимда узун ва қоп-қора қош толаси туши тиззамга.

Не замонлар бўлган эди отамнинг ўлганига.

Не замонлар бўлган эди отамни соғинганимга.

Отамнинг қоши тўқилди кўхна китоб саҳифасидан.

Соғинганимни билдим отам қошининг бир қора толасини жўнатди менга.

Хабар ол, ёлғиз қўйма, унутма, қош ахир кўзининг паножу бўлар,

ҳар дилнинг юракда бир охи бўлар...

Ота, номангизни олдим.

Ўтқисимга тегди сўлим шабада.

Сўнг авайлаб жойлаб қўйдим қошингизни яна ўша кўхна китоб саҳифасига.

Умид қилдим: мендан сўнг ҳам ўқирлар бу китобни...

Соғинаганлар... Соғинарлар...

Қадимги файласуфлар инсон дунёга ўлгани келади, яшагани келади, дейишади. Менинг ҳулосам эса бошқача: инсон дунёга сайқал бериш учун келади...

Китобга биров эрмак, биров овунчок, биров билим ва биров ҳаётнинг ҳикояси деб қарайди. Китобларда ёлғон гаплар ёзилади деб ўйлашади. Ёлғонликка ёлғон, лекин бир фарқи китобларнинг ёлғони ростидан яхши. Мен китоб ўқиш мақтанарли бир нарса деб билмайман. Одам нон ейиши, сув ичиши, ҳаво олиши билан ҳеч қачон мақтанмайди-ку, тўғрими?

Оламлар бари, қавну маконлар бари илм билан қамраб олинган ва илм билан яратилган. Жумладан, одамзод, ҳайвонот ва наботот бари илм билан қамралган. Илмдан холи ҳеч нарса йўқ. Одамзод неча минг йиллардан бери бор ва неча минг йиллардан бери илм излайди. Илмга интилади. Илмни Ер юзидан, кинотдан ва ўз-ўзининг ичидан қидиради. Илм излаш — XXI асрнинг шу кунларида ҳам нажоткор гоё. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки илм ҳақиқатга етиш йўли. Инсон эса ҳақиқатсиз яшолмайди.

Маконни ташлаб кетар бўлсанг, ай, кетар олдиндан Сегоҳни чалсинлар. Сегоҳ кетаётган одамнинг қадамларин таъқиб қилади. У йилганмаган йиғи. Тўқилмаган кўз ёш. Сен, мабодо, янги маконга кириб борсанг,

Одамни тинглай билиш ҳам жуда катта одамгарчилик. У юрак ва оннинг тарбиясидан дарак беради.

Инсоният ажралиш ва ажратиш гоёсидан халос бўлса, келажақда — олтин асрларда истиқомат қилади. Ажратиш, ажралиш гоёси кучлими ё бирлашиш, бирлик гоёсими? Инсоният шу икки саволга аниқ жавоб беролса ва оғишмай борсагина келажақ асрларда беҳавотир умргузаронлик қилади.

Аллоҳ нурни яратган экан ва Ўзи ҳам шу нур ичида экан, китоб ҳам илмлар, ҳиссиётлар, ақлларнинг нурномасидир. Менинг ҳақиқатим шуки, одам китоблар оламига шўнғимагунча ҳеч қачон сайқал топмайди. Китоблар инсон ҳаётининг ҳайрли поғоналаридир.

Одам муҳаббатсиз яшай олмайди. Муҳаббат бўлмаса, ҳар қандай мол-дунё, обрў-эътибор татимади. Ёш ўтиб муҳаббат ўлади, ўрнига иззат-икром келади, дейишади. Шундай бўлиши мумкинми? Муҳаббат ўрнини иззат-икром боса оладими? Йўқ. Муҳаббат ўлиши мумкин, агар уни ўлдирсангиз. Муҳаббат яшнаши мумкин, агар уни яшнатсангиз.

Одамни тинглай билиш ҳам жуда катта одамгарчилик. У юрак ва оннинг тарбиясидан дарак беради.

ОРЗУ-УМИДЛАР АЙЁМИ

Янги йил арафасида юртимизнинг кўнгилочар масканларини кенг кўчалари, хиёбонлару боғлар ўзгача жозиб бақс этади. Ҳар томонда турфа чироқлар, турли-туман ўйинчоқларни бағрига олган арчалар, ташвишларини эски йилда қолдиришга ҳозирланаётган одамларнинг шўх-шодон кулгиси кўзингизни яшатиб, бахридиллингизни очади.

Шукуҳ



Ҳар йили юртимизда Янги йил байрамни кўтаринки руҳда қутиб олиш яхши анъанага айланган. Айни кунларда ушбу шукуҳли айёмни юқори савияда нишонлаш, халқимизга қувноқ кайфият улашиш, болажонларнинг киши таътилда мароқли дам олишларини ташкил этиш мақсадида катта тайёргарлик кўрилоқда.

Бу йил юртимизнинг бош арчаси пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси олдидаги майдонда ўрнатилди. Эртакмонанд бештаилган ушбу майдонда 28 декабрь — 8 январь кунлари Янги йил байрами тадбирлари, турли кўнгилочар томошалар, концерт дастурлари бўлиб ўтади.

Ҳозирги кунда кутубхона олдида саҳ-

на тайёрланмоқда, байрам руҳига мос равишда яратилган Янги йил арчаси атрофида одамлар гавжум. Кимдир фарзандлари, яна кимдир узоғу яқиндан келган меҳмонлари, оила аъзолари, яқинлари, дўстлари билан ташриф буюрган.

— Худога шуқр, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон, яқинларимиз ёнимизда, соғ-омон, — дейди Бобур Раҳимбоев. — Албатта, шулардан бирортаси йўқ бўлса, на байрам, на бу қувончи кунлар татирди. Байрамлар байрамларга уланаётгани бизнинг бахтимиз. Бугун дуога қўл очсак, албатта, хонадонларимизда тўю байрамлар бўлишини тилаймиз. Маҳобатли арчага қараб туриб бугун туйқус ёшлигимни эсладим, у пайтлар бундай шоритлар қаёқда дейсиз... Бугунимизга шуқр, илоҳим, кўз тегмасин!

Маълумотларга кўра, пойтахтда байрам кунлари яна бешта асосий арча бештаилди. Улар — Халқлар дўстлиги ва Хадра майдонларида, Тошкент давлат цирки олдида, "Next" ва "Compass" савдо-кўнгилочар марказлари яқинида ва Алгоритм даҳасидаги "Roison Electronics" корхонаси ёнида ўрнатилди.

Бундан ташқари, пойтахт туманларининг аҳоли учун қулай бўлган 17 та ҳудудда байрам арчалари ўрнатилиб, кўнгилочар тадбирлар ташкил этилади. Қисқаси, янги йилни халқимиз, қолаверса, хорижлик сайёҳларнинг муносиб

қутиб олишлари учун барча имконият ишга солиноқда.

— Биз анжуман баҳонасида Ўзбекистондаимиз, юртингизга илк сафаримиз байрамга тўғри келгани бизни икки қара севинтирди, — дейди озарбайжонлик меҳмон, фузулийшунос олим Азиз ога Нажафов. — Янги йилнинг қардош халқимиз гўзал нишонлар экан, Тошкентнинг оидин кўчалари янада ёришган, ҳар томонда байрамона куй-қўшиқлар, айниқса, болаларнинг қийқириқлари шодиёнага ўзгача тароват бағишлаб турибди. Насиб қилса, кейинги гал оиламиз билан келаимиз. Янги йилнинг муборак бўлсин, азиз ўзбекистонликлар!

Таъкидлаш лозимки, анъанавий тарзда ҳар йили Янги йил байрами олдин Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган, шунингдек, ота-оналари Ватан сарҳадларини химоя қилиш йўлида қурбон бўлганлар болалари, ижтимоий химояга муҳтож оилалар фарзандлари учун "Президент арчаси" тадбири ўтказиб келинади.

Бу йил ҳам ушбу қизиқарли тадбирга пухта ҳозирлик кўрилоқда. 2023 йилги "Президент арчаси" тадбирига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 24 ноябрдаги тегишли мажлис баёнига асосан, Мехрибонлик уйлари, оилавий болалар уйлари, "SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари"



ушмасининг болалар маҳаллалари, болалар уйлари ва ногиронлиги бўлган болалар "Мурувват" интернат-уйлари тарбияланувчилари, маҳаллаларда истиқомат қилаётган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўғил-қизлар, ота-оналари Ватан сарҳадларини химоя қилиш йўлида қурбон бўлган фарзандлари ҳамда "Мехрибонлик" ўқувчилари учун умумий ҳисобда 11 мингта "Президент совғаси" тайёрланди. "Президент совғаси" таркибига давлатимиз раҳбарининг болаларга йўллаган Янги йил байрами табриги, 17 турдаги ширинликлар, 2 номдаги канцелирия маҳсулотлари, smart соғ, дарс магнит тахтаси ва бошқа совғалар киритилган. Шунингдек, 12 ёшдан катта 1 600 нафар тарбияланувчининг совғалари таркибидан планшетлар ҳам жой олган.

Ушбу орзиқиб қўтилган совғалар мамлакатимизнинг 10 та ҳудудига, ҳусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларига "Uzbekistan Airways" АЖ самолётлари, Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига ҳудудий Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг кузатуви остида автотранспорт воситалари орқали етказилади. "Президент совғаси" болажонларга ҳудудий ҳокимликлар вакиллари иштирокида жорий йилнинг 29-30 декабрь кунлари тантанали тарзда топширилади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 03.40 Топширилди — 04.15 1 2 3 4 5 6